

**ҚМҚ 3.02.01-97 “Тупроқ иншоотлар, заминлар ва пойдеворлар”га
1-СОНЛИ ЎЗГАРТИРИШ**

а) 14-қисмдаги “Балчиқларни мустаҳкамлашнинг бурғилаш силжитиш усули” кичик қисм номини “Грунтларни бурғилаш-аралаштириш усулида мустаҳкамлаш” деб ўзгартирилсин;

б) 14.25-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14.25 Бурғилаш-аралаштириш усули 1 м/мин. тезлигида бурғилаш ва 90 айланма/мин. айланиш тезлигига эга бўлган ҳамда цемент-сув қоришмасини юқори (200 бар ёки 196 атм.) босим билан ҳайдаш ва 300-350 л/мин. грунтли қоришма инъекциясига эришиш имкониятига эга бўлган махсус бурғилаш ускуналари ёрдамида инъекцияланган ва зичланган сваялар уйғунлигини таъминловчи услубдир.

Бурғилаш-аралаштириш усули 1 ва 2 типдаги грунтлар шароитида барча синф бино ва иншоотлар, автомобиль ва темир йўллари, метро, бошқа майдонли ва чизикли объектлар, ҳаво электр тармоқлари устунларининг заминларини мустаҳкамлаш учун уларнинг физика-механика хусусиятидан келиб чиқиб, чўкувчан, шিশувчан, сув билан тўйинган биоген ва чангсимон-лойли, элювиал, шўрланган ва тўкилган грунтларда, ишлов берилаётган майдонларда, шунингдек сейсмик ҳудудларда қўлланиши лозим”.